

# МАДАНИЯТ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ВАЗИРЛИГИ НАШРИ №2 (84) 9.01.2020 йил

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни



Ушбу сонда

## Кампиртепа ёдгорлиги



7-саҳифада

## “Санъат – менинг ҳаётим”



5-саҳифада

## Наманганда маданият ва санъат вакиллари тақдирланди

3-саҳифада

# Ёвқур ўғлонлар

Осмониимиз мусаффо, ҳаётимиз тинч бўлиши учун куч-ғайрати ва матонатини баҳшида этувчи Ватан ҳимоячиларимиз бор экан, халқимиз қалбида ҳамиша хузур-халоват ҳукм суради. Шунинг учун ҳам Ўзбекистонимизда ҳарбий хизматчиларга кенг имкониятлар яратилган. Жумладан, уларни уй-жой билан таъминлаш энг катта эътибор ва рағбатлардан бири. Дарҳақиқат, бундай чора-тадбирлар юрт ҳимоячиларининг Ватанга садоқати ва меҳр-муҳаббатини янада оширишга хизмат қилади.

Шу йиллар мобайнида Куролли Кучларимизнинг жанговар куч ва имкониятларини сезиларли даражада оширишга ҳам катта эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимиз ҳудудидоги ҳарбий тузилмалар республи-

ка тасарруфига олингани, 1993 йил 29 декабрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши қарори билан «14 январь – Ватан ҳимоячилари куни» деб белгилангани ва сўнгги йилларда ҳарбийларимизга алоҳида ғамхўрлик кўрсатилаётгани фикримиз далилидир. Шу муносабат билан ушбу байрам юртимизда ҳар йили тантанали нишонланади. Юртдошларимиз орасида Ватан ҳимоясига шайланаётган, ҳарбий хизматни шон-шараф даражасига кўтарадиган алп йигитларимизнинг кўплиги бизни янада қувонтиради. Зеро, ҳар бир ўзбек ўғлини ёшлигидан она юртига хизмат қилишни дилига тугади.

– Мен ҳам болалигимдан Ватан посбони бўлишни хоҳлаганман. Ниятларим амалга ошиб, ҳозирги кунда муддат-

ли хизматни ўтаётман. Бу ердаги ҳар бир машқларимиз бизни янада сабр-матонатли бўлишга ундайди. Мен Ватанимга хизмат қилаётганимдан фахрланаман, – дейди оддий аскар Дилшодбек Сафаров.

Азиз Ватан посбонлари! Сиз яқинларингиз, ота-онангиз, ака-сингилларингиздан узоқда юриб, турли байрамларда улар ёнида бўлмасангиз ҳам, дунёдаги энг бахтли инсонларсиз! Хизматингиздан миннатдор халқимиз сизнинг соғлигингизни, бахтингизни сўраб, қўллари доимо дуода. Ёвқур ўғлонларимиз, ҳаётингиз доимо шон-шарафга тўла бўлсин. Она юртимизнинг гуллаб-яшнаб, осмони ҳамиша мусаффо бўлиши йўлида қилаётган фидокорона хизматларингиз асло унутилмайди!

Ш.Шомуродова

Янги йил орзулари



## Болажонларга аталган мўъжизалар

Мана, дунё халқлари олам-олам қувончу эзгу орзу-ниятлар, ҳаётбахш режалар билан кутиб олган кутлуғ янги — 2020 йилимиз ҳам ўз файзу таровати билан кўнгилларга кўтаринкилик, улғурлик бағишлади. Шукрки, юртимизда дунёнинг кўпгина мамлакатлари учун камёб бўлиб бораётган улғу неъмат – **тинчлик, фаровонлик** ҳукм сурмоқда, бунёдкорлик ишлари давом этмоқда. Эртанги кунимиз эгалари учун аталган байрамона тадбирлар ҳам давлатимиз раҳбарияти ва кенг жамоатчилик томонидан уюшқоқлик билан юқори савияда ўтказилмоқда. Хусусан, Ўзбекистон Маданият вазирилик томонидан Республикаимизнинг барча маданият муассасалари, театрларида уюштирилаётган янги йил байрамлари, томошалар, эртақ-спектакллар болажонларга олам-олам қувонч бағишламоқда. Жумладан, Тошкент шаҳридаги Алишер Навоий номидаги опера ва балет ҳамда Ёш томошабинлар театрларида намойиш этилган “Золушка”, Миллий академик драма театрида қўйилган “Ун икки ой” эртақ-спектаклларини кичкинтойлар завқу шавқ билан томоша қилишди. Ҳатто болажонлар учун республика кўғирчоқ театрларида ҳам “Қор маликасининг совғаси” номли театрлаштирилган томоша қўйилди.

Давоми 5-саҳифада

Сарҳисоб

## Мурожаатлар, мурожаатлар... (ёхуд даъволарингиз асослими?)

Сўнгги йилларда инсонпарварлик тамойилларининг яққол намунаси бўлган “Халқ билан мулоқот”, “Халқ билан юзма-юз” мавзусидаги учрашув, давра суҳбатлари мунтазам олиб борилмоқда. Одамларнинг дардини тинглаш, муаммоларни биргаликда ҳал қилиш ақсарият раҳбарларимизнинг асосий фаизлатларига айланди. Хўш, бундай оқилона сиёсат, бағрикенглик халқимиз томонидан қандай кутиб олинди?

Буни биз Ўзбекистон Республикаси Маданият вазириликнинг жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари билан ишлаш бўйича бош мутахассиси Элдор Мустафоқуловнинг фаолиятига доир суҳбатимиз асосида билиб олишга ҳаракат қилдик.

Маълум бўлишича, ўтган 2019 йил давомида вазириликка 841 та ёзма, 53 та электрон мурожаатлар келиб тушган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхоналари орқали келган мурожаатлар жами 975 тани ташкил этган. Уларнинг 404 таси қаноатлантирилган.

– Агар бир йилда 365-366 кун бўлса, кунига 3-4 тадан мурожаат келиб тушар экан. Улар билан ишлаш осон кечмас керак?

– Албатта, аввало, ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири ётади, буни ҳис этмаслик мумкин эмас. Демак, биз шу нуқтаи назар билан иш юритишимиз зарур, – дейди Э.Мустафоқулов.

Давоми 4-саҳифада

Донолар сузлайди...

Ватан таркини бир нафас айлама, Яна ранжи гурбат ҳавас айлама. (Алишер Навоий)

Ватанпарварлик сўз билан эмас, иш билан тасдиқланиши лозим. (В.Г.Белинский)

Ватан, энг аввало, ота-боболарнинг покиза хоклари ила шарафланган жойдир. (Тоҳир Малик)



Маданий ҳамкорлик

Янги курс битирувчиларига сертификатлар топирилди



2019 йил 27 декабрь куни Кувасой шаҳар маданият бўлими тасарруфига маданият марказида шаҳар аҳолисини иш билан таъминлаш ва малакали мутахассислар тайёрлаш бўйича Германия Республикаси DVV филиали ҳамкорлигида “Маданият марказларини ривожлантиришга кўмаклашиш лойиҳаси” доирасида тадбир ташкил этил-

ди. Унда “Компьютер саводхонлиги”, “Бичиш-тикиш”, “Декоратив амалий санъат” ўқув курсларидаги янги касб-хунар, билимларни ўзлаштирган курс битирувчиларига ҳамда маҳорат дарсларида фаол қатнашган ўқитувчи ўқувчиларга сертификатлар топирилди. Кечда битирувчилар, уларнинг ота-оналари фаол иш-

тирок этдилар. Тантананада маданият маркази бадиий раҳбари А.Комилов сўз олиб, битирувчиларни янги эгаллаган касб-хунарлари билан табриклади, уларнинг келгуси ишларида муваффақиятлар тилади. Шундан сўнг уларга тахсил йўналиши бўйича сертификатлар топирилди.

Н.Аҳмаджонова

Йил сарҳисоби

# Наманганда маданият ва санъат вакиллари тақдирланди

27 декабрь куни Наманган шаҳридаги “Шодиёна” тантаналар мажмуасида вилоят маданият ва санъат вакиллари иштирокида Янги йил байрамига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.



Унда ўтган йилда маданият ва санъат соҳасида эришилган натижалар ҳақида гапирилди. Хусусан, Алишер Навоий номидаги вилоят муסיқали драма театри фаолияти алоҳида таъкидлаб ўтилди. 2019 йил якуни бўйича театр томонидан кўплаб спектакллар намойиш этилди. Шундан 68 таси қишлоқ жойларда, 32 таси болалар ва ўсмирлар, кам таъминланган оилалар учун бепул кўрсатилган.

Театр жамоаси сентябрь ойида Қирғизистоннинг Ўш шаҳрида ўтказилган “АРТ-ОРДО” халқаро театр фестивалида иштирок этган. Декабрь ойида эса Тожикистоннинг Хўжанд вилоятида “Азиз” спектакли билан ижодий сафарда бўлган.

Бундай сафарлар Наманган маданият ва санъатини кенг тарғиб этишда ўз ҳиссасини қўшиб шубҳасиз.

Йил давомида вилоятдаги 19 та болалар муסיқа ва санъат мактабидан жами 63 нафар ўқувчилар Республика ва Халқаро кўрик-танловларда фахрли ўринларни эгаллагани барчани қувонтирди.

2019 йилда Россиянинг Москва, Сочи ва Санкт-Петербург шаҳарлари,



Қирғизистоннинг Иссиққўл, Беларусининг Могилёв шаҳарларида ўтказилган халқаро муסיқа ва санъат танловларида вилоятнинг ёш истеъдодлари катта ютуқларга эришиб, қатор Гран-при мукофотлари билан қайтишди.

Шунингдек, март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган «Наврўз садолари» Халқаро фестивалида 15-болалар муסיқа ва санъат мактабининг «Наво» ўзбек халқ чолгулари оркестри, май ойида яна Тошкентда ўтказилган “Болалар муסיқа ва санъат мактаблари ансамбллари” республика кўрик-танловида 19-болалар муסיқа ва санъат мактабининг Хореография синфи

ўқувчилари фахри 1-ўринни эгаллашди.

Буларнинг барчаси, мухтарам юртбошимиз бошчилигида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотларда маданият ва санъат ривожига алоҳида урғу берилаётганининг меваси десак тўғри бўлади.

Вилоят маданияти ва санъатини юксалтириш ишига қўшган муносиб ҳиссаси, ёрқин истеъдоди ва серкирра ижоди, самарали хизматлари ҳамда 2019 йилда вилоят ижтимоий ҳаётидаги фаол иштироки учун 20 нафардан ортиқ соҳа вакиллари таънақкурнома ҳамда эсдалик совғалари топирилди.

Ўзбекистон Республикаси санъат арбоби, Наманган вилояти муסיқали драма театри режиссёри Каримжон Йўлдошевга эса Наманган шаҳридан хонандон ажратиш сертификати тақдим этилди.

Алишер Навоий номидаги вилоят муסיқали драма театрига моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун 300 миллион сўмлик сертификат совға қилинди.

Хотира



## Томчи сувда тол кўкараб

### ёхуд укуви бор улғаяр

Эсимда, 70 йилларда ёзувчи Ойбекнинг “Навоий” романи асосида видеофильм яратилган эди. Унда Навоийнинг яқин сирдоши Арслонкул тимсолини тумандошимиз – истеъдодли актёр ва хонанда Рустам Ҳамдамов ижро этган эди. Унда кучли бир интилиш – актёрлик завқи, хонандалик иштиёқи бор эдики, бу изланиш, маҳорат давр ўтган сари зўр бир салоҳиятга айланди ва охирига лаҳзагача тарк этмади.

Рустам Ҳамдамов Риштон туманининг Чек-Насриддин қишлоғида деҳқон оиласида дунёга келган. Унинг умр йўли бошқа тенгдошларига сира ўхшамagan. Ҳаёт инсонга бир марта берилар экан-у, ҳар ким уни турлича яшаб ўтаркан. Бир қулоч тахтага сим тортиб, нималариндир хирвоғи қилиб юрганини кўрган ҳамқишлоқлари “Артист бўлиб кет-э” деганларида фаришталар “омин” деб юборган бўлса, не ажаб. Бу ҳазиломуз гаплар Рустам қалбини чинакам ром этган бўлса-чи?! Зеро, мақсад улашган сари одам ҳам улуғлашиб бораверади, деганлари шу эмасми!

– Бу ҳаётда ҳамма нарса биз ўйлагандек бўлавермас экан, – дейди унинг туғишган опаси Кимсаной она Раҳимова. – Укам раҳматлик ҳаётни эрта тарк этди, аммо яхши ном қолдириб кетди.

Ҳақиқатан ҳам Рустам қисқа умри давомида порлоқ из қолдириб кетди. У Шекспирнинг “Ричард-III фожиаси”да Ричмонд, М.Бобоевнинг “Ўттиз ёшлар”ида Шавкат, Х.Х.Ниезининг “Бой ила хизматчи” драмасида Гофир, А.Навоийнинг “Лайли ва Мажнун” асарида Мажнун каби кўплаб ролларни ижро этган. Унинг ижод оламида, одоб-ахлоқ борасида кўплаб шогирдлари ва халқ орасида қанчадан-қанча мухлислари бор. “Айтишим шартми-ди”, “Фарғонада бўлиб девона”, “Она ватан”, “Она”, “Эй қорақўз”, “Бонбон қизи”, “Юрак тошади”, “Кетма баҳор” каби қўшиқлари ҳали-ҳануз хонандалар, ҳаваскор қўшиқчилар ижросида қуйлаб келинмоқда.

– Рустам ўрта мактабда авло баҳорларга ўқиган, – дейди фахрий муаллим Сулаймонхўжа ота Султон. – Шу қатори бадиий ҳаваскорлик тўғаракларида ҳам фаол қатнашган. Мактаб саҳнасида ўнлаб роллар ижро этган. Истеъдоди уни камолга етказди.

Рустам таниқли санъаткорлар Теша Мўминов, Эркин Комилов, Едгор Саъдиев каби саҳна усталари билан ҳамфикр бўлди. Рауф Парфи, Охунжон Ҳакимов, Баходир Исо, Тўра Сулаймон, Ғуллом Фатхиддин каби шоирлар билан дўстлашиб, улар танаб берган шеърларни оҳангга солди. Уларнинг “Сенинг кимлигинг эмас, қандайлигинг муҳим” деган ўғитларига бир умр амал қилди.

“Баланд томдан баланд ном яхши” деганларидек, Рустамнинг ўлмас қўшиқлари, яратган образлари унга шон-шухрат келтирди. Аудио ва видео ёзув тасмалари ҳамон хонандоларда сақланмоқда. Устоз Ойбек таъбири билан айтганда, у “Кўксига ишқнинг муқаддас, тоза алангасини узоқ йиллардан буён сақлаб келган, олийжаноб фақир йигит” эди. Хисса шуки, Рустам Ҳамдамов элимиз қалбда иккинчи умрини яшамоқда.

Туғилсанг бахт билан камол ўшадир,  
Тарк этсанг одамни завоў ўшадир.  
Охир чоғ тупроғинг устига келиб,  
Кимбир ёд айласса, иқбол ўшадир.

(А.Орипов)

Абдухамид ҳожи Исоқов, фахрий муаллим,  
Халқ таълими аълоҳиси, Журналистлар ижодий  
уюшмаси аъзоси

Бахтиёр болалик



## “Муқимий” театрида хайрия тадбири

6 январь куни Республика гематология ва қон қуйиш илмий-текшириш институтида даволанаётган бемор болалар ота-оналари ҳамда волонтерлар ҳамроҳлигида Муқимий номидаги Ўзбекистон давлат муסיқали театрига ташриф буюриб, муаллиф Ҳ.Қосимовнинг “Робинзоннинг Янги йил саргузаштлари” деб номланган муסיқали Янги йил эртагини томоша қилишди.

Ташриф давомида меҳмонларга театр ижодкорлари томонидан Янги йил табриклари, шунингдек, илиқ ва самимий сўзлар билдирилди.

Яна болажонлар сеvimли эртақ қаҳрамонлари билан эсдалик учун суратларга ҳам тушишди.

Журтим байроғи

## Кўқон шамолида ҳилпирад



Кўҳна ва навқирон Хўқанди латифимизда кўшалоқ байрам. Янги йил арафасида Ўзбекистондаги энг катта – баландлиги 60 дан зиёд, эни 10, бўйи 20 метрдан узунроқ Ватан байроғи Фарғона вилояти Кўқон шаҳрида қад ростлади. Мазкур тадбир "Юртим байроғи" шiori остида кўтаринки руҳда ўтказилди.

Юрт байроғини шарқий ҳарбий округ кўмондонлиги, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси ҳарбий хизматчилари, курулли кучларга қаршли ансамбллар, Ёшлар иттифоқи шаҳар кенгаши фаоллари, жохон чемпионлари, спортчилар, талаба ва ёшлар ҳарбий оркестр садолари остида марказий майдон сари олиб бордилар.

Кўқон шаҳар аҳолиси, айниқса, ёш ўғил-қизлар олқишлари остида байроқ юқорига кўтарилди, ўша дақиқаларда Давлат маҳдияси янграб, иштирокчилар нигоҳи фахр ила юрт рамзига қаратилди.

Тантанада шаҳар ҳокими Маъруфжон Усмонов сўзга чиқиб, давлатимизнинг улуғвор рамзларидан бири саналган байроқ мамлакатимизнинг дунё сахнасидаги ўрни ва мавқеини мустаҳкамлашда катта ҳақимиятга эга эканини таъкидлади. Шундан сўнг таниқли шоирлар, ёш ижодкорлар томонидан – байроғимизга аталган шеърлар айtilди. Ватан ҳақидаги тароналар тадбирга янада кўтаринкилик бағишлади.

Н.Усмонов, Кўқон шаҳар маданият бўлими ходими

Рағбат

## Йил фаоллари тақдирланди

2019 йил давомида Сурхондарё вилояти кўғирчоқ театрида тинимсиз меҳнат қилган, Ўз касбини қадрлаган театр ходимларини эъозлаш, қўллаб-қувватлаш мақсадида тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.



Унда театр санъатини ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш, уларни ватанпарварлик, фидоийлик ва садоқат руҳида тарбиялашга қаратилган спектакллар ҳамда маданий-маърифий тадбирлардаги фаол иштироки учун Валишер Раҳмонов – "Йилнинг энг яхши эркак актери", Милоҳат Жумоева – "Йилнинг энг яхши аёл актрисаси", Аҳрор Кодиров – "Йилнинг энг яхши ижодкор ходими", Бахтиёр Алимардонов – "Йилнинг энг фаол актери", Шерзод Турсунов – "Йилнинг энг яхши эпизодик роли", Бахтиёр Шарифбоев – "Йилнинг энг жонқуяр ходими" номинацияларига лойиқ кўрилди.

Зухра Нормунинова томонидан саҳналаштирилган "Ур тўқмоқ" спектакли йилнинг энг қизиқарли ижод маҳсули деб топилди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилоят Кенгаши, вилоят кўғирчоқ театри Бошланғич ташкилоти томонидан ҳам йил давомида фаол хизмат қилган ходимлар турли номинациялар бўйича тақдирландилар.

Тошошлар давом этади

## «Сехрли Янги йил»



Андижон вилояти мусиқали драма театри болажонларга бу йил ҳам ўзгача кувонч ва шодлик улашиш мақсадида 2019 йил 20 декабрдан 2020 йил 10 январга қадар «Сехрли Янги йил» эртак томошасини намойиш этмоқда.

Ушбу ижод намунаси Шерзодбек Дехқонов ҳамда Музаффар Мирзаевлар томонидан саҳналаштирилди.

Спектакль мазмуни куйидагича: етакчи қаҳрамон Бахтиёр ота-онасига уй юмушларида ёрдамлашмай, ўқишига эътибор бермай, фақат компьютер ва телефондаги ўйинларга муқкасидан кетади. Уни тўғри йўлга солиш ниятида даставвал Кўзиқоринбобо ёрдамга келади. Воқеалар давомида сехрли оламга тушиб қолган Бахтиёр дам ўрмон ҳайвонлари, дам музли сайтанат қироличасига тўқнаш келади. Асар якунида эртак қаҳрамони ёвузлик ва ёмонлик устидан галаба қозонади.

Ибратли умр соҳиб



## Маданият фидокори

Олдийгина таржимаи ҳол инсон амалий фаолиятининг кўзгусидир. Эркин Қорабоев 1947 йилнинг 1 январиде Янгиқўрғон туманида, зиллари хонадониде туғилган. Оилада 2 нафар фарзанднинг кенжаси эди. 1965 йилда Чортоқ шаҳридаги 60-ўрта мактабнинг 11-синфини тамомлаб, шу йили Фарғона давлат педагогика институтининг тарих факультетиға ўқишга қиради ва уни 1969 йилда битиради. Дастлабки фаолиятини Наманган шаҳридаги 8-ўрта мактабда тарихий география фанидан дарс беришдан бошлади. Эркин Қорабоевнинг музейдаги фаолияти 1977 йилдан бошланади. Шу йили Наманган вилоят ўлкани ўрганиш музейига Оммавий ишлар бўйича бўлим мудирини ҳамда 1980 йилдан Ўзбекистон тарих ва маданият ёдгорликларини сақлаш жамиятининг Наманган вилоят бўлимида масъул котиби ва Ўзбекистон Республикаси Халқаро "Олтин мерос" хайрия жамғармасида етакчи мутахассис бўлиб фаолият юритади. 1977 йилдан шу кунга қадар Наманган вилояти ўлкани ўрганиш музейида турли лавозимларда меҳнат қилиб келмоқда.

2007 йилда нафақага чиққанға қарамай, Эркин Қорабоев фаолиятини тўхтатмай изланишда давом этди. Бу жонқуяр шахс бутун ҳаётини ўлка тарихи, маданияти, хунармандчилик анъаналарини ўрганишиға бағишлаб, шу йиллар давомида жуда кўп тарихий-услубий мақолалар ёзди. Уларнинг республика, вилоят газета ва журналларида чоп этилаётгани фикримиз далилидир.

Ўзбек халқи азал-азалдан устоз деб аталмиш муътабар зотга алоҳида ҳурмат ва эъзоз назари билан қараган. Зеро, ажодларимиз томонидан айtilган биргина "Устоз отангдек улуғ" хикмати ҳам унинг нақадар улуғлинишиға ёркин мисол бўла олади. Устоз Эркин Қорабоев ана шундай кишилар сирасига қиради.

Устознинг меҳнатлари ҳукуматимиз томонидан ҳам муносиб баҳоланди. 2001 йилда "Шухрат" медали, 2019 йилда республикамиздаги маданият ходимлари ичида биринчилардан бўлиб "Маданият ва санъат фидокори" кўкрак нишони билан тақдирланди.

Эркин Собирович ўсиб келётган ёш авлодни ажодлар меросига чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатиш, ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, шунингдек, қатор

асарларни тарғиб этишда семинар ва анжуманлардаги илмий маърузалари, газета ва журналлардаги ўлка тарихи, маданиятиға оид долзарб мавзулар ёритилган мақолалари билан тарғибот-ташвиқот олиб бораётган вилоятдаги етуқ мутахассислардан биридир. У вилоят ва туманлардаги барча музейларда Ўзбекистон Республикасининг "Музейлар тўғрисида" ти Қонунини, ҳукумат қарорлари, Низомларини тарғиб этишда "Музей маънавий-маърифий маскан", "Музейлар – мозиий кўзгуси", "Ўлка тарихини билиш долзарб вазиға", "Музейшуносликнинг долзарб масалалари", "Музейларға оид меъёрий ҳужжатларни юритиш" каби мавзуларда семинарлар ташкил этиб, услубий йўриқномалар ишлаб чиққан. Вилоятда ташкил этилаётган иқтидорли ёшлар билимини мустаҳкамлашда ва қўрик танловларда улар иштирокини баҳолашда мураббий ва ҳакамлар аъзосидир. Наманган вилояти тарихини ўрганишға оид экспонатлар асосида кўрсатувлар ҳамда эшиттиришлар тайёрлашда кўмаклашиш билан бирга, улар тўғрисида илмий тадқиқ этилган манбалар ёрдамида ўз фикрмулоҳазалари билан "Одоб ва ахлоқий тарбияда музейлар ўрни", "Заргарлик",

"Сўзаналар", "Кўзмунчоқ" "Ахсикент", "Табии ва инсон", "Наманган ўлкашунослик музейи" каби мавзуларда тайёрланган илмий-маърифий кўрсатувларда музейда сақланаётган осори-атнақалар ҳақидаги маълумотларни халққа етказган тарихчи ҳисобланади.

Эркин Қорабоев Ўзбекистон шаҳарлари юбилейлари муносабати билан ўтказиладиган "Музейлар фестивали" да фаол иштирок этиб келади. Жумладан, 2006 йил Қарши шаҳрининг 2700 йиллик тантаналарида қатнашиб, "Энг яхши Сайр-бон", 2007 йил Марғилон шаҳрининг 2000 йиллиги юбилейида эса "Энг ноёб экспонат эғаси" бўйича голибикни кўлга қиритган.

Юртимизда фидоий инсонлар жуда кўп, ўз меҳнати орқали ҳурмат-эҳтиромга сазовор бўлган инсонлар қаторида Эркин Қорабоевнинг ҳам ўрни беқиёс. Бу ҳам бўлса, кўп йиллик ҳалол ва самарали меҳнат шарофатидир.

Инсон учун сеvimли фарзанду набиралар, шоғирдлар қамолини кўриш, ҳаммиша ҳамқасблар ва яқинлар қуршовида бўлиш, уларнинг меҳр-муҳаббатини қозонишдан ортиқ бахт йўқ дунёда. Эркин Қорабоев ҳам, шубҳасиз, ана шундай бахтга мушарраф бўлган ибратли умр соҳибидир. Унинг ҳаёт йўлиға ҳавас қилса арзийди. Яратгандан устозга юз билан юзлаштиш, бизға эса ўша қулларда пиру бадавлат, муътабар инсонни бир асрлик ёши билан қўтлаш бахти насиб этсин!

Илсомжон Каримов, Наманган вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи Тарих бўлими мудирини Наманган давлат университети магистранти



Хитойда Ўзбекистон маданияти кунлари

**“Буюк ипак йўли гавҳарига саёҳат”**



Шанхай ҳамкорлик ташкilotи ташаббуси ва Ўзбекистон Республикаси маданият вазири хамкорлигида 2019 йилнинг 24 – 27 декабрида Хитой давлатининг Пекин шаҳрида ўтказилган Ўзбекистон маданияти кунида “Буюк ипак йўли гавҳарига саёҳат” деб номланган маданий тадбир тақдироти бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон давлат филармонияси Бухоро вилоят

бўлимининг “Бухоро мавжлари” ва “Бухоро гўзаллари” ансамбли мазмунли дастурлари билан иштирок этди. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг ўзига хос миллий ҳунармандчилик кўргазмаси, турли мулоқот ва учрашувлар ташкиллаштирилди.

Ансамбль томонидан намоиш этилган “Ўзбекистон”, “Вилоятлар гулдастаси”, “Бухоро зардўзлари”, “Бухоро до-

ира зарб усуллари” ҳамда “Мавриги” туркумидаги қўшиқ ва рақслар томошабинлар томонидан зўр қизиқиш билан кутиб олинди. Айниқса, Бухорога хос зарбли доира ўйинлари томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Тадбирга Шанхай ҳамкорлик ташкilotи томонидан 20 га қиқн давлат элчилари, дипломатик корпус вакиллари ва хитой бизнес соҳаси ходимлари тақлиф қилинди.

Саҳна нутқи мактаби

**“Санъат — менинг ҳаётим”**



25 декабрь куни Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасида Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиева ҳаёти ва ижодига бағишланган “Санъат — менинг ҳаётим” номли китоб тақдироти бўлиб ўтди. Мазкур китобни Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг Илмий ишлар ва инновациялар бўйича проректори Гўзал Ҳолиқулова қайта ишлаган.

Назира Алиеванинг 107 йиллик таваллудига бағишланган тадбир ва монографиянинг иккинчи наشري тақдиротида “Шарқ маданий-гуманитар дипломатияси тадқиқотлари” маркази директори, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент Дурбек Сайфуллаев, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, профессор Жўра Маҳмудов сўзга чиқиб, саҳна нутқи бўйича биринчи профессор аёл ҳақида хотираларини ёдга олишди. Улар, шунингдек, саҳна нутқи билан боғлиқ фанни Маннон Уйғур ва Назира Алиева биргаликда кашф этгани, бу ижодкорларнинг театр, радио ва телевидение тараққиётига қўшган ҳиссалари ҳамда қолдирган мактабларини ёшларга етказиш борасидаги фикрларини билдиришди.

Тадбирда яна “Санъатшунослик ва маданиятшунослик” кафедраси профессори, фан номзоди, театршунос Омонулла Ризаев ўзбек театри ҳақидаги хотираларини эслади. Бун-

дан ташқари, актрисанинг невараси – Республика қўғирчоқ театри режиссёри Динара Йўлдошева – бу вусини ёдга солувчи кечинмалари билан ўртоқлашди.

Саҳна нутқи кафедраси мудири, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Исоқтой Жуманов ҳам ўзбек адабий тилини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшиб, фаннинг назарий ва амалий хусусиятларини яратган устоз ҳақида илиқ таассуротларини гапириб, ушбу рисоланинг китобхонларни яхши сўз билан озиқлантириш, маънавиятини юксалтириш каби хусусиятларини санаб ўтдилар. Яна соф адабий тилга эътибор, меҳр кўрсатиш, етишиб келаётган ёш актёр ва режиссёрларни ўқитишдек масъулиятли вазифага сикдикидилдан ёндашиш, танлаган касбига нисбатан фидоийлик кўрсатиш кераклигини, устозлар изидан бориб, улардан ибрат олиш лозимлигини таъкидлади.

Монография тақризчиси, режиссёр, “Олтин қалам” миллий мукофоти соҳиби Ҳамид Қаҳрамонов устоз санъаткорни ўз онасидек кўрганини айтиб, неча йиллар давомида театрда бирга олиб борган фаолияти давомидаги қизиқарли маълумотларини эслади.

“Устозларга мазмунли нутқлари учун миннатдорчилик билдираман. Шу билан бирга айтмоқчиманки, бизнинг кутубхонамиз жуда ҳам



бой, саҳна нутқи оид дарсликлар ва ўқув қўлланмалар етарлича, — деди педагог Маҳсума Ҳожиматова. — Булар негизда эса устоз санъаткорнинг меҳнатлари ётибди. Таълим соҳасида театр педагогикаси, кино, режиссура, менежмент ва бошқа соҳаларга ҳам саҳна нутқи фани киритилиб, ўқитилиб келимokban. Назира Алиева барча етуқ санъаткорларнинг онаси эди. У кишининг хизматлари бугунги кунгача шогирдлари хотирасида сақланиб келмокда. Ўзбек саҳнаси, ўзбек санъати намоёндаларини эъозланг ва ҳурмат қилинлар, азизлар. Санъат адабиётини яна бир китоб билан бойитгани учун Гўзал Эркиновнага ҳам ўз ташаккуримни билдираман”.

Тақдирот кўтаринки руҳда ўтди. Мазкур монография кўплаб олимлар, мутолаа илосмандлари ва санъатсевар ёшлар учун улкан мактаб бўлиб хизмат қилади.

**Достонбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,**  
Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти  
Матбуот котиби

Давоми. Боши 1-саҳифада



**Болажонларга аталган мўъжизалар**

Ҳўш, янги йил шуқуҳини берувчи яна қандай саҳна асарларимиз бор?! Айниқса, Миллий театримиз ҳамда “Ёш томошабинлар” театр саҳналарида рўй берган мўъжизалар, актёрларнинг беғубор болалик туйғуларига эш моҳирона чиқишлари самимий олқишларга сазовор бўлди. Дарҳақиқат, саҳналаштирувчи режиссёр Нодира Маҳмудова, режиссёр ва таржимон Шоҳида Исмоилова, либослар бўйича дизайнер Севара Зуннунова, “Ёш томошабинлар” театрида эса моҳир режиссёр Малика Исқандароваларнинг заҳматли меҳнатлари эвазига қўйилган бу каби ажойиб томошалар катта-кичикда ширин хотира, гўзал таассуротлар қолдиргани табиий. Зеро, ҳозирги давр болаларининг зукко назарига тушиш, меҳрини қозониш осон эмас.



Шу ўринда бир мулоҳаза: “Золушка”ю “Ўн икки ой”даги хизматкор қизга ўхшаш Зумрадой, Адолат, Қимматхон, Алпомиш, Качал полвон, Бунёд каби миллий эртақ қаҳрамонларимизнинг саргузаштлари ҳам мўъжизалардан холи эмас. Золушкага ўхшаб бизнинг Зумрадхон ҳам сеҳргар кампир марҳамати билан шарқона либосдаги гўзал маликага айланса, Адолат қизимиз эса меҳнатсеварлиги туфайли ўн икки ойнинг меҳрини қозониб, барча жонотларнинг ҳамду саносига сазовор бўлса, жасур, баҳодир Бунёд эса ўз халқини ёвуз кучдан халос этиб, оддий меҳнаткаш қизга уйланса... Ахир, она юртимизнинг ҳам гўзал қиш фасли ҳақидаги таърифу тавсифлари кўп-ку?!

Албатта, бу борада энг аввал асл сценарийчиларга эҳтиёж кучли. Астойдил хоҳиш-истак бўлса, замонавий техника ютуқларидан моҳирона фойдаланиб, ҳақиқий мўъжиза ярата оладиган истеъдодли, ёш ижодкорлар ва саҳна асари усталарини бемалол топиш мумкин.

Зеро, миллий қаҳрамонларимиз ҳақидаги томошалар болажонларда ватанпарварлик, миллий ғурур, ўзликини англаш каби эзгу туйғулар шаклланишини кучайтириши зарур. Давлатимиз раҳбарининг миллий маданиятимизни ривожлантириш ҳақидаги концепцияси, беш ташаббуси ижросидан кутилаётган мақсад ҳам шу эмасми, аслида!

**Сайёра Рихсиева**

Юртим ўғлонлари

**Навоий шаҳрида маданий тадбир**



7 январь куни Навоий шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганлигининг 28 йиллиги ҳамда “14 январь – Ватан ҳимоячилари куни” муносабати билан маданий тадбир бўлиб ўтди.

Тантанана намоиши этилган ҳарбийлар чиқишлари, ҳарбий техника ва қурол-яроғлар кўргазмалари барча кўтаринки руҳ бағишлади. “Ватанпарварлик” ойлиги муносабати билан ташкил этилган ушбу кечада вилоят маданият бошқармаси ижодий ходимлари ўзларининг Она ватанин мадҳ этувчи куй-қўшиқлари билан ҳам қатнашишди.

Янги йил тадбирлари

“Кичкинтой”  
Фориш  
бўйлаб



Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан белгилаб берилган ёшлар маънавиятини юксалтириш ва уларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш бўйича бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш ҳамда вилоят Маданият бошқармаси тасдиқлаган тадбирлар режасига кўра, Фориш маданият марказида фолият олиб борётган “Кичкинтой” халқ ҳаваскорлик

кўғирчоқ театри жамоаси қатор тадбирларда фаол иштирок этмоқда. Жумладан, 26 декабрь куни Учқулоқ МФЙ худудидаги 6-давлат мактабгача таълим муассасида ҳамда 10-умумтаълим мактабида, 27 декабрда эса туман марказидаги 3-“Бойчечак” давлат мактабгача таълим муассасида болажонлар учун маданий тадбир ташкил этилди. Янги йил байрами-

ни муносиб кутиб олиш ва уни юқори савияда нишонлаш, шунингдек, болажонларга, ўқувчи ёшларга кўтаринки кайфият улаштиш мақсадида театр жамоаси томонидан Қорбобо, Қорқиз ва турли эртак қаҳрамонлари иштирокидаги қизиқарли, саргузаштларга бой томошалар намойиш қилинди.

Л.Ҳақимова,  
Марказ мутахассиси

Аждодлар закоси

# Темури тузуклари — муҳим тарихий манба

Амир Темури тўғрисида унинг замондошлари қимматли йирик асарлар ёзиб қолдирган. Ғиёсиддин Алининг “Рўзнаомайи газавоти Хиндистон” (Хиндистонга қилинган разо уруши ҳақидаги), Низомиддин Шомий ҳамда Шарофиддин Алининг “Зафарнома” асарлари шулар жумласидан. “Тузуқоти Темурий” эса улар орасида алоҳида ўрин тутари.

“Тузуқи Темурий” ёки “Тузуқоти Темурий” аслида бошқа катта ҳажмли асарга илова тарзида кўчирилган. Бу мустақил йирик асар “Малфузоти Темурий” ёхуд “Воқеоти Темурий” – Амир Темурнинг таржиманоли холи деб аталиб, унинг етти ёшлик пайтидан бошлаб ҳаёт йўли ҳақида ҳикоя қилади. Асар борасида икки хил фикр мавжуд. Кимлардир уни икки қисмдан иборат бир асар деса, бошқалари икки мустақил асарнинг муқовада жамлангани, деб ёзишади. Шу боис “Тузуқоти Темурий”ни ҳар икки қисмга берилган битта ном деб тушунишган. Бу ўз навбатида Шарқ кўлэмалари каталогига маълум чалкашликларни туғдиради.

“Тузуқоти Темурий” – муҳим тарихий манба бўлиб, у қадимий Туркистоннинг буюк фарзанди Амир Темури, унинг давлат тузилиши ва бошқарилиши хусусида.

Асар дастлаб эски ўзбек (чигатой ёки ўрта осиеча туркий) тилида ёзилган. Шарқшунослардан Н.Д.Миклухо Маклай, Ч.Р.Ё. Г.Этэ, Ч.А.Сторилар фикрига кўра, унинг бир кўлэзма нусхаси Яман мамлакатининг олий ҳукмдори Жаъфар пошшо кутубхонасида сақланган. “Тузуқот”ни форс тилига Мир Абу Толиб Хусайни ат-Турбатий таржима қилиб, муқаддимасида Арабистоннинг муқаддас жойларига, Макка Мукаррама ва Мадина Мунавварага ҳаж қилиб қайтишида, Яманга сафари чоғида Жаъфар пошшо кутубхонасида туркий тилда бўлган мазкур асарни топгани ва у Амир Темурнинг ҳаёт йўли ҳақида ўзи ёзган асар эканини таъкидлади. “Тузуқот”нинг ўша кўлэзма нусхаси сақланиб қолгани ёки асарнинг туркий тилдаги бошқа нусхалари бўлган-бўлмагани хусусида маълумот йўқ. Шунга қарамай, асар ва унинг бир қисми саналган “Тузуқот Темурий”нинг дастлаб туркий тилда ёзилгани

ҳақидаги бор маълумотлар хусусида кўлэзма асарлар тавсифлари каталогларини тузувчиларнинг бари бир хил фикрдалар.

Мир Абу Толиб Хусайний Арабистондан қайтиб келгач, асарни форс тилига таржима қилган. Лекин у ердан олиб келинган туркий асلياتдан ёки Хиндистонда бўлган бирорта нусхадан ўгирлангани, бу ҳақда бир нима дейилмаган. Мир Абу Толиб Хусайний 1637 йилда мазкур таржимасини бобурийлардан Шохжаҳонга тортиқ қилади. Шохнинг ўзи олим ва фозил киши бўлиб, аجدоди тарихини яхши билган. Шунинг учун Мир Абу Толиб Хусайний таржимасини кўриб чиқиб, унинг жиддий нуқсонларини топган. Жумладан, баъзи маълумотлар ва Амир Темур ҳаёти, шунингдек, саналардаги ғалатликлар унда шубҳа уйғотган.

Шунда у Декан вилоятининг фавждори (қози калони), ўз яқинларидан бўлган истездодли адиб Муҳаммад афзал Бумани хузурига чорлаб, таржимани ишончли тарихий асарлар маълумоти билан таққослаб чиқишни, уни ортиқча сўз, ноаниқлик ва ғалатликлардан тозалашни бу-



юради. Хуллас, Абу Толиб таржимаси мазкур Муҳаммад Афзал Бухорий томонидан тузатилган ва жиддий таҳрир қилинган. Аммо бор маълумотларга кўра, бундай тузатишлар асосан “Малфузоту Темурий” қисмига тааллуқли бўлган. Ҳар ҳолда икки фозил: Мир Абу Толиб Хусайний ва Муҳаммад Афзал Бухорий меҳнати туфайли “Тузуқоти Темурий” форс тилида бизнинг замонамизга етиб келган.

Асар ҳукмдорларнинг тор доирасидагина эмас, бутун дунё аҳлига машҳур бўлди. Бундан бизнинг давримизга кўллаб кўлэзма нусхалари етиб келгани гувоҳлик беради. Нусхаларни Русия, Ўрта Осие, Хиндистон, Эрон, Туркия, Миср, Англия, Франция, Олмония, Дания ва бошқа мамлакатлар кутубхоналаридан топши мумкин. “Тузуқоти Темурий”нинг форсий матнини нашрга тайёрлаган Майор Дэ-

ви эса уни инглизчага ўгирган ва кўрсаткич изоҳлар билан қўшиб чоп эттирган. Ҳар иккала матн 1785 йилда Буюк Британия (Оксфорд)да нашр этилди. 1785 ва 1890 йилларда ушбу нашрнинг форсийча матни ўзгаришсиз Хиндистон (Калакут ва Бомбой)да қайта нашр этилди. 1963 йилда Эронда ҳам чоп қилинди.

Майор Уайт ва Дэви нашр этган форсча матндан таниқли шарқшунос Л.Лангленнинг француз тилига ўгирган таржимаси 1787 йилда Парижда чоп этилди. “Тузуқот”нинг яна урду тилидаги икки наشري ҳам мавжуд. Улардан бирини Субҳон Бахш (Дехли, 1845), иккинчисини Аҳмад Мийон номи билан машҳур Муҳаммад Фазлul Ҳақ (Бомбай, 1908) амалга оширган.

“Тузуқоти Темурий” 1857 йилда Хивада Муҳаммад Юсуф Рожий томонидан қисқартириб таржима қилинган. Асарнинг Мир Абу Толиб Хусайний матнига мувофиқ ўзбекчага тўлиқ таржимаси марҳум Алихон Тўра Соғуний томонидан 1967 йилда Тошкентда амалга оширилган.

“Тузуқоти Темурий” икки мақоладан таркиб топган. Биринчиси Темурнинг давлатни барпо этиш ва мустақамлаш, қўшунларни ташкил қилиш юзасидан тузуқлари, режаларидан иборат бўлиб, ҳатто қўшиннинг жанговар тартиби жадваллар воситасида ифодаланган. Иккинчи мақоладаги 13 кенгаш ва унинг қисмларида Амир Темур ҳокимият тепасига келиши ва ҳарбий юришлари тафсилотлари берилади.

Амир Темур, юқорида таъкидланганидек, зукко сиёсатдон ва йирик давлат арбоби сифатида ўз давлатининг тузилишини, унинг қай тарзда бўлиши кераклигини баён этади, мансабдорларнинг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб беради. “Тузуқот” муаллифи фикрига кўра, ҳар бир тождор ўз давлати таянчи бўлган ижтимоий-сиёсий гуруҳларга суянган ҳолда иш олиб бориши лозим. Фақат улар ёрдамида раият, қўшинлар ва давлати идора қилиши зарур. Бундай гуруҳларга қуйидагилар кир-

ган: 1) Муҳаммад Алайҳиссалом авлоди бўлмиш саййидлар, уламолар, шайхлар; 2) тажриба орттирган билимдонлар; 3) дуоғўй тақводорлар; 4) амирлар, сарханглари, сипоҳсолар; 5) сипоҳ ва раият; 6) салтанат ишларини, унинг сиру асарини билган, кенгаш қилишга муносиб оқил, ишончли кишилар; 7) вазирлар, сарқотиб, девон муншийлар; 8) ҳақимлар, табиблар, мунаҷжимлар ва муҳандислар; 9) муҳаддислар, ровийлар; 10) машойих, суфий, орифлар; 11) ҳунар ва санъат аҳли; 12) турли мамлакатлардан келган саёхатчи ва мусофирлар, савдогарлар. Улар хабар келтириб туришган.

Амир Темур давлатни бошқаришда вазирлар, амирлар ва вилоят волийларига алоҳида аҳамият берган.

Вазирлар, “Тузуқот” муаллифлари фикрича, қуйидаги тўрт сифатга эга бўлишлари шарт эди: 1) асиллик ва тоза наслик, буюклик; 2) ақлу фаросат; 3) сипоҳу раият аҳволидан хабардорлик ва уларга хушмуомалада бўлиш; 4) сабру бардошлилик ва мулоқимлик.

“Тузуқот”да Амир Темур давлатини етти вазир бошқаргани ҳақида гап боради: 1. Мамлакат ва раият вазири. У мамлакатнинг муҳим ишларини, кундалик муаммоларини, раият аҳволини, вилоятлардан олинган ҳосил, солиқ-ўлпонлар, уларни тақсимлаш, кириш-чиқимларини, юртнинг ободлиги ва аҳолининг фаровонлигини маълум қилиб турган; 2) сипоҳ бўйича вазир. Сипоҳийларнинг маошлари ва танҳоларини бошқарган, парокандаликка тушиб қолмаслиги учун доимо сипоҳ аҳволидан подшоҳга хабар бериб турган; 3) Эгасиз қолган, ўлган ва қочиб кетганларга тегишли мол-мулкни бошқарган, закот ва боқларни тўплаган.

Бундан шу нарса кўзга ташланадики, Амир Темур салтанатида темур тузуқлари муҳим қонунлар жамланмаси бўлиб, у бутун мамлакатни қонунлар жамланмаси орқали бошқарган.

З.Мухторов,  
Иштихон туман тарихи музейи директори





Президентимизнинг 2019 йил 19 мартдаги видеоселектор йўғилишида илгари сурган бешта муҳим ташаббуси ўз чечакларини кўз-кўз эта бошлади. Бундай истеъдодлардан бири 5-синф ўқувчиси Нурхон Норбоевадир. У Самарқанд вилояти Булунғур туманининг чека худудида истиқомат қилади. Туман марказидаги Болалар мусиқа ва санъат мактаби унга узоқлик қилгани учун

боролмай, армонда юрган Нурхон мактабларига Мингчинор маданият маркази филиал мудирини Давлатбой Эрмонов келганини эшитиб, дарров унга учрашди. Қизчанинг иқтидорини кўрган устоз ҳам унга боғланди қолди. Доимий изланишлар, тинимсиз меҳнат ўз натижасини берди. Кўп ўтмай Нурхон Норбоева ўзининг “Бешта ташаббус гунчаси” номли илк яккахон концертини тенг-

дошлари ва устозларига тақдим этди. Унинг нафақат ашула, балки рақс санъатида ҳам иқтидор соҳибаси эканлиги йўғилганларни лол қолдирди. Эндиликда устоз Давлатбой Эрмоновнинг ашула ва рақс тўрагаги қатнашчилари сони янада ортди.

**А.Исақов,**  
Булунғур туман ҳокимлиги  
Маданият бўлими мудирини

Олтин мерос

# Кампиртепа ёдгорлиги сири



Тарих одамзоднинг ҳаёт учун кураши, юксалиши ҳамда камолотга интилишини акс эттирувчи хотира дафтари дидир. Шундай ёдгорликлардан бири Кампиртепа қадимги шаҳар харобаси бўлиб, у Амударёнинг ўнг соҳилида, Термиз шаҳридан 30 км ғарбда ва шу йўналишда Шўроб қишлоғидан 1,5 км узоқликда жойлашган. Э.В.Ртвеладзенинг илмий фаолияти асосан Кампиртепа шаҳар харобаларининг ўрганилиши билан боғлиқ. Мазкур мозий топилими илк бор Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси академиги, тарих фанлари доктори, профессор Э.В.Ртвеладзе томонидан 1972 йил Окс (Амударё) археологик қазинма ишлари чоғида аниқланган. Ёдгорлик мана бир неча ўн йилдирки, ЎзР ФА Санъатшунослик институтининг “Ўзбекистон санъатшунослик экспедицияси” ва кейинчалик “Тоҳаристон экспедицияси” аъзолари томонидан ўрганиб келинмоқда. Қазинма ишлари давомида шаҳарнинг юқори қисмида стационар тадқиқот ишлари олиб борилган бўлиб, унинг катта худуди очиб ўрганилди.

Узоқ йиллик тўпланган маълумотлар асосида экспедиция раҳбари, академик Э.В.Ртвеладзе Кампиртепани XV асрда яшаб ижод қилган эрон тарихчиси Ҳофиз Абду асарларида қайд этилган машҳур ўрта асрлардаги “Жайхун” (Амударё) номи билан аталган кечиб йўлини юнонча “Пандакейон” билан боғлайди. Кампиртепа шаҳри кўп қатламли ёдгорликлар туркумига кириб, унга илк бор Юнон-Бақтрия даврида (мил.ав. III аср бошларида) асос солинган ва милодий III асрда фаолият кўрсатган. Шаҳар қадимда ғарбдан шарқгача умумий узунлиги 800 метр, шимолдан жанубгача эса 300 метрни ташкил этиб, арк ва турар-жой худудлари билан 4 гектарга тенг бўлган.

Шаҳар арк ёдгорлигининг энг юқори қисми марказида жойлашган бўлиб, жануби Амударё ўзанининг ўзгариши оқибатида ювиб кетилган. Унинг ғарбдан шарқгача бўлган узунлиги 150 метр, шимолдан жанубга эса 100 метрни ташкил этиб, умумий майдони 1,5 гектарга тенг эди. Шаҳар атрофи қалинлиги 5 метрга яқин келадиган мустаҳкам мудофаа девори, ички йўлақлари, ҳимоя минаралари ва девор атрофи эса 10 метр хандак билан ўралган. Археологик тадқиқот ишлари шуни кўрсатадики, Кампиртепа нафақат шаҳар сифатида фаолият кўрсатган, балки Юнон-Бақтрия даврида қалъа вазифасини ҳам ўтаб келган. Қушон даврида эса ёдгорлиkning арк қисми қўллаб олинлар истиқомат қилганидан далолат беради. Буни у ердаги хонадон қолдиқлари, уй-рўзгор буюмлари, қушон даври ҳукмдорлари томонидан зарб этилган тангалар ва бошқа турдаги ашёлардан англаш мумкин. Қазинма ишлари давомида моддий-маданий ва санъат ашёлари, Юнон-Бақтрия ва Қушон даври тангалари, шунингдек, номаълум ёзув нусхалари топилиб, улар экспедиция аъзолари томонидан тадқиқ этилди ва ил-

мий-оммабоп мақолаларда ўз аксини топди.

Бунга мисол тариқасида Ўрта Осиё худудида илк бор папируста бақтрия ёзувида ёзилган магний айти ти ўтиш мумкин. Шунингдек, ноёб топилмалар орасида ҳайкалчалар, меъморий деталлар, фил сугитдан ясалган ашёлар, заргарлик буюмлари қушон даврида санъат, меъморчилик, савдо, пул зарб этиш ишлари, хунарамдчилик гуллаб-яшнаганлидан далолат беради.

Юқорида таъкидлаганимиздек, Э.В.Ртвеладзенинг археология соҳасидаги илмий фаолияти асосан Кампиртепа ёдгорлиги билан боғлиқ бўлиб, у қўллаб тадқиқотлар учун манба вазифасини бажарган. Жумладан, К.А.Абдуллаев “Портретная изображение в Терракотте из Кампиртепы”, “Трансформация греческих образцов в Терракотте пластика Кампиртепы”, И.М.Азимовнинг “Архитектура цитадели Кампиртепы”, “Восстановление архитектурного облика Кампиртепы”, “Греческая реконструкция погребально-культурных сооружений Кампиртепы”, Э.Х.Афганова “Статуэтка орла из Кампиртепы” ва бошқа олимларнинг қатор тадқиқотларида, илмий ишларида ўз аксини топган. Шундай бўлса-да, Кампиртепа ёдгорлиги ҳақидаги фундаментал тадқиқотлар Э.В.Ртвеладзе фаолияти билан бевосита боғлиқ.

Академик Кампиртепа ёдгорлигини фақат шаҳарсозлик нуқтаи назаридан тадқиқ этмай, диний эътиқоди, қарашлари ҳам урғу берган. Унинг “Культовые и погребальные сооружения кушанского времени на Кампиртепе”, “Селевкидские монеты из Кампиртепы”, “Кампиртепа: торговые и культурные связи” каби тадқиқотлари олимнинг Бақтрияда олиб борилган изланишлари натижасидир.

Уша даврда Ўрта Осиёнинг бир қанча муҳим сиёсий ва ижтимо-

Эълон

«TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖ  
2020 йил 13 февраль кунин бошланғич нархи босқичма-босқич ўсиб бориш тартибидаги очик аукцион савдоларини ўтказлади!

Аукцион савдоларига Ташкент ш., Миробод тумани, А.Темур шоҳ кўчаси, 13-уйда жойлашган ЎзР ВМ хузуридаги Мутахассисларни хорихда тайёрлаш ва ватандошлар билан мулоқот қилиш бўйича «Эл-юрт умиди» жамғармаси балансидаги 2005й. и/ч, д/р 01/133ССА, бошланғич нархи 48 570 700 сўм бўлган «ЛАСЕТТИ»; 2002й. и/ч, д/р 01/131ССА, бошланғич нархи 24 763 000 сўм бўлган «NEXIA»; 1998й. и/ч, д/р 01/132ССА, бошланғич нархи 22 410 000 сўм бўлган «NEXIA» русумли автотранспорт воситалари қўйилади.

Талаборлардан бюртманомаларни қабул қилиш, расмий иш кунларида мазкур эълон чиққан кундан бошланади ва савдо кунидан 2 (икки) кун аввал соат 18:00да тўхтатилади.

Савдоларда қатнашиш учун бошланғич нархнинг камида 20 фоизи миқдоридаги закалат пули «TOSHKENT UNIVERSAL AUKTSION SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотека-банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ФА:00425, СТИР:302071274, 2020 8000 7049 2931 8001 ҳисоб рақамига тўланади.

Савдо ғолибига савдо кунидан бошлаб йигирма кун муддат ичиди олди-сотди шартномасини имзолаш, тўланган закалат пули миқдори сотиб олиш тўлови миқдорининг 15 фоизидан камини ташкил этган тақдирда, етишмаётган суммани шартнома тузилгунга қадар тўлаб бериш шартлари юклатилади.

Мазкур автотранспорт воситалари юқорида белгиланган савдо куниди сотилмаган тақдирда, улар бўйича такрорий аукцион савдолари, улар сотилгунга қадар наватбдаги ҳафталарнинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилади. Ушбу автотранспорт воситаларига қизикши билдирган талаборлар уларнинг ҳолати билан сотувчи ташкилотнинг юқорида кўрсатиб ўтилган манзилга бориб танишишлари мумкин.

Аукцион савдолари соат 15:00да бошланади ва куйида кўрсатилган манзилда бўлиб ўтади:  
Ташкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй, 8-хона.  
Мурожаат учун алоқа воситалари: телефон: (71) 209-23-41; телефакс: (71) 209-23-41, электрон почта: TUAS\_MCH@mail.ru.  
Гувоҳнома № 005357

**Жалолддин Нурфайзиев,**  
Садоқат Тўраева,  
Сурхондарё вилоят тарихи ва маданияти давлат музейи илмий ҳодимлари

## Табият ва инсон

Ноёблаган  
Бухоро  
буғуси

Бухоро буғуси (Хонгул) – жуфт тўққиллар туркумига мансуб сўт эмизувчи ҳайвон. Танази 78 – 86 см, бўйи (яғринидан) 56 – 60 см, оғирлиги 75 – 100 кг. Тўқ кулранг, елкасида қорамтир йўллари бор. Шохлари бутуқли. Илгари Амударё, Сирдарё ва Орол денгизи соҳилларидаги қамишзор ва тўқайларда тарқалган. Ҳозир фақат Амударё воҳасидаги қўриқхоналарда яшайди. Сурхон қўриқхонасида ҳам (Пайгамбар

ороли бўлимида) бор. Сувда яхши сузади. Ўсимликлар билан озиқланади. Урчиш даврида урғочи ва эркалари бирга пода бўлиб юради. Сентябрь-октябрь ойларида жуфтлашади. Апрель-май ойларида болалайди. 2-3 ёшда жинсий воғга етади. Овлаш тақиланади. У Ўзбекистоннинг 10 та ноҳий ҳайвонларидан биридир. Сони камайиб кетгани сабаб Табиат ва табиий ресурсларни муҳофаза қилиш халқаро иттифоқи “Қизил

рўйхати”га ва Ўзбекистон Республикаси “Қизил китоби”га киритилган.

Бухоро буғуси туғуми Сурхондарё вилояти ўлкашунослик музейига 1993 йил (инв-1220, кп-2186-1) олиб келинган. Ҳозирги кунда Вилоят тарихи ва маданияти давлат музейининг ноёб экспонати сифатида сақланмоқда.

Ҳасан Умаров, Табиат бўлими кичик илмий ходими

## Байрамона кайфият

Урганчда театр  
томошалари

Хоразм вилояти қўғирчоқ театри ижодкорлари 6 январь кунини Урганч туманида жойлашган умумий ўрта таълим мактабларида янги йил томошалари дастури доирасида спектакль намойишларини давом эттирди.

Ўқувчилар учун “Шўх сичқончалар” спектакли тақдим этилиб, болажонларга ҳақиқий байрамона кайфият улашди.

## Ташаббус

“Ёшлар медиа  
маркази”  
ташкил этилади

6 январь кунини Наманган вилояти Норин тумани маданият марказида Ўзбекистон Республикаси Президентининг бешта муҳим ташаббуси доирасида ёшлар билан учрашув ташкил этилди.

Унда вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров сўзга чиқиб: “Наманган ёшларини ҳар томонлама рағбатлантириш мақсадида кўплаб янги ташаббусларни қўллаб-қувватлашга қарор қилдик” – деди. Шунингдек, 2020 йилдан вилоятда татбиқ этилувчи ёшлар масалаларига оид янги дастурни эълон қилди.

Ҳоким сўзларига кўра, Наманган шаҳридаги “Ёшлар маркази” қошида замонавий жиҳозлар билан таъминланган “Ёшлар медиа маркази” ташкил этилади. Бундан ташқари, ҳар йили вилоят ёшлари ўртасида анъанавий мусиқанинг – мақом, опера, эстрада кўшиқчилиги йўналишларида “Afsona music” ёш талантлар мажмуасида кўрик-танлов ўтказиш йўлга қўйилганидан бўлди.

“Афсоналар водийси” боғидаги 2400 кишилик амфитеатр ушбу танловнинг ўтказилиш жойи сифатида белгиланди.

## Эътибор ва рағбат

“Ижодимизга  
илҳом бағишлаб...”

Ўтган йил Ўзбекистон давлат филармонияси Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаси жамоаси учун муваффақиятли келди. Жамоа филармония раҳбари, Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган артист, «Шухрат» медали соҳиби Бахтиёр Есемуратов бошчилигида турли халқаро танлов ва фестивалларда иштирок этиб, ғолиблар сафидан ўрин олиб қайтди. Улар 2019 йилнинг сентябрь ойида Европанинг Гаага, Люксембург герцоглиги ҳамда Бельгия давлатларида гастроль сафарларида бўлишди. Энг қувонарлиси, жамоанинг бир гуруҳ аъзолари мустақиллигимизнинг 28 йиллиги арафасида ҳукуматимиз томонидан орден, медал ва фахрий унвонлар билан тақдирланишди. Яқинда жамоа Нукус шаҳрида ўз хисобот концертини тақдим этди.

Филармония таркибидаги «Аму тўққини»

фольклор-этнографик, «Гулзор» (фольклор), «Мухаллес» (дуюрчилар), «Ашула ва рақс» (ансамбллари) ҳамда «Халқ созлари» оркестрининг жонли ижродаги турфа кўшиғу рақслари томошабинлар эътирофига сазовор бўлди. Концертда Қорақалпоғистонга хизмат кўрсатган артистлар: С.Қалибеков, М.Нуржанова, А.Усенова, Р.Атажонов, З.Жақсибаева ва бошқалар ижросидаги куй-қўшиқлар, рақслар барчага бирдек манзур бўлди.

– Бу йилги концертимиз ҳар йилгидан ўзгача. Ҳаммаси жонли ижрода. Йил давомида хондаларимиз, созандалар, бутун илҳомий жамоа ҳамжиҳатликда ишладик. Тайёрларлик ҳам кучли бўлди, – дейди филармония бадий раҳбари Ажнийез Пахратдинов.

Концертдан сўнг филармония раҳбарияти

томонидан жамоа учун байрам дастурхони ёзилиб, йил давомида фоаллик кўрсатган бир гуруҳ ходимлар рағбатлантирилди. Жумладан, «Йилнинг энг яхши филармония хондаси, бахшиси, раққоси, созандаси, ходими, ҳисобчиси, техник ходими» сингари жами 24 номинация бўйича «Диплом» ва эсалик совғалари жамоа раҳбари Б.Есемуратов томонидан ўз эгаларига топширилди.

– Жуда хурсандимиз. Меҳнатимизни қадрлаб, кўрсатилаётган эътибор учун ташаккур. Бу бизнинг ўз хизмат вазифамизга бўлган масъулиятни ошириб, ижодий ишларимизга илҳом бағишлайди, – дейди «Йилнинг энг яхши ансамбль бадий раҳбари» Мадияр Алламбергенов.

Айдосбек БЕКПАНОВ,  
бош мутахассис

## Хайрли тadbир



## Яхшилардан боғ қолар

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан 2019 йил 27 декабрь кунини Ёшлар масалаларига бағишлаб ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгилаб берилган вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида 7 январь кунини Сурхондарё вилояти Термиз туманида “Ҳоким ва ёшлар” учрашуви ташкил этилди.

Вилоят ҳокими Т.Боболов Термиз туманидаги Ҳарбий ўқув ўтказиш полигони ҳамда “Фаёзтепа” ва “Қоратеп” чегараларидаги чўл ҳудудларида ёшларга намуна сифатида арча ва саксовул кўчатлари экиш ишларини бошлаб берди. Шунингдек, ҳокимнинг вилоят ёшлари билан учрашуви ҳам ташкил этилди.

Тadbирлар вилоят маданият бошқармаси Термиз шаҳар маданият бўлими томонидан овоз кучайтириш мосламалари билан таъминланди. Сурхондарё филармонияси хондалари кўчат экишдек хайрли ишга ҳамда кечанинг маданий қисми юқори савияда ўтишига ўз ҳиссаларини қўшишди.

## МАДАНИЯТ ОБУНА ИНДЕКСИ: 285

МУАССИСЛАР:  
Ўзбекистон  
Республикаси  
Маданият  
вазирлиги,  
«Dildosh media» МЧЖ

Бош муҳаррир  
Дилбаҳор Худойбердиева  
Тахририят манзили:  
100029, Тошкент шаҳри, Тарас  
Шевченко кўчаси, 1.  
Тел.: Факс: (371)-256-04-54

Газета ҳафтанинг пайшанба кунини чоп этилади.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлиги томонидан  
10.04.2018 й. 0803 рақами  
билан давлат  
рўйхатидан ўтказилган.

Тахририятга келган қўлёзмалар қайтарилмайди ва ёзма жавоб берилмайди. Мақолада келтирилган факт ва асосларга муаллиф жавобгар, унинг фикри тахририят фикридан фарқланиши мумкин. «Маданият» материалларидан фойдаланилганда манба кўрсатилиши шарт.

Нашр учун масъул: Ш.Исроилова  
Навбатчи муҳаррир: С.Рихсиева  
Навбатчи: Н. Содикова  
Адади - 8386 Буюртма - Г - 127  
Сотувда келишилган нархда  
Қоғоз бичими А-3, Ҳажми 2 босма табак

Газета “Шарқ” наприёт-  
матбаа акциядорлик  
компанияси босмахонасида  
чоп этилди.  
Қорхона манзили:  
Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41.  
Босмахонага топшириш  
вақти - 21.00  
Топширилди - 21.00  
1 2 3 4 6